

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМЗАЕВ АКБАР АБДАЛИМОВИЧ**

**ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНинГ ХУСУСИЙ ЭХТИЁЖ  
АГРЕГАТЛАРИНИ АСИНХРОН ЮРИТМАСИНИ ИШГА  
ТУШИРИЛИШИНИ МИКРОПРОЦЕССОР ЁРДАМИДА БОШҚАРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электр энергетик станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)  
по техническим наукам**

**Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)  
on technical sciences**

**Хамзаев Акбар Абдалимович**

Иссиқлик электр станциясининг хусусий эҳтиёж агрегатларини асинхрон юритмасини ишга туширилишини микропроцессор ёрдамида бошқариш. 3

**Хамзаев Акбар Абдалимович**

Управление пуском асинхронного электропривода агрегатов собственных нужд ТЭС с помощью микропроцессора ..... 23

**Khamzaev Akbar Abdalimovich**

Microprocessor control of asynchronous electric drive startup of TDV units of own needs..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/10.12.2019.Т.03.03 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

**ХАМЗАЕВ АКБАР АБДАЛИМОВИЧ**

**ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИНING ХУСУСИЙ ЭҲТИЁЖ  
АГРЕГАТЛАРИНИ АСИНХРОН ЮРИТМАСИНИ ИШГА  
ТУШИРИЛИШИНИ МИКРОПРОЦЕССОР ЁРДАМИДА БОШҚАРИШ**

**05.05.02 – Электротехника. Электрэнергетик станциялари, тизимлари.  
Электротехник мажмуалар ва қурилмалар.**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.4.PhD/Г767 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ислон Каримов номидаги Ташкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tdtu.uz](http://www.tdtu.uz)) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Алимходжаев Камалиддин Тиллаходжаевич**

техника фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Камалов Толяган Сиражиддинович**

техника фанлари доктори, профессор

**Арипов Назиржон Мукарамович**

техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.03/10.12.2019.T.03.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил “10” сентябрь соат 11<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўчаси, 2-уй. Тел./ факс: (99871) 227-10-32, e-mail: [tstu\\_info@tdtu.uz](mailto:tstu_info@tdtu.uz))

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (212 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент ш., Университет кўча, 2 уй. Тел./ факс: (99871) 227-03-41.

Диссертация автореферати 2021 йил «26» сентябрь куни тарқатилди. (2021 йил «25» сентябрь, 4 рақамли реестр баённомаси).



**Қ.Р. Аллаев**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш раиси  
техника фанлари доктори, профессор, академик

**О.Х.Ишназаров**  
Илмий даражалар берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби,  
техника фанлари доктори, профессор

**Т.Ш.Ғойибов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қоғозидаги илмий семинар раиси,  
техника фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда иссиқлик электр станцияларидаги катта қувватли ва юқори кучланишли асинхрон моторларни равон ишга туширилишига ҳамда улардаги энергия исрофларини камайтириш усуллари ва техник ечимларни аниқлашга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда «... микропроцессор асосида транзистор ва тиристорли кучланиш ўзгартиркичи бошқарилмоқда. Мазкур тизимдан фойдаланиш юқори даражадаги ҳимояни таъминлайдиган ва ишлашини доимий равишда баҳолаш учун мониторингини ташкил этиш ҳамда қувватни ростлаш бўйича турли ёндошувлар мавжуд»<sup>1</sup>. Бу борада, жумладан энергетика саноатидаги мавжуд ва янги қурилаётган электр станцияларда энергия ва ресурсларни тежаш ҳамда улардан самарали фойдаланиш, катта қувватли юқори кучланишли асинхрон моторларни равон ишга туширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда иссиқлик электр станциялари томонидан электр энергияни самарали ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан бири – корхонанинг хусусий эҳтиёжларини катта қувватли ва юқори кучланишли асинхрон электр юритмаларини равон ишга тушириш, ишга тушириш тоқларини камайтириш, электр моторларни таъмирлашсиз хизмат муддатини ошириш, электр энергия ва ресурс сарфларини камайтиришга алоҳида эътибор қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан электр станцияларнинг хусусий эҳтиёж агрегатларининг катта қувватли юқори кучланишли асинхрон моторларини ишга туширилишини микропроцессорли бошқаришда ишга тушириш тоқини камайтириш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланади. Шу билан бирга, иссиқлик электр станцияларида электр энергиядан фойдаланишни комплекс таҳлил қилиш асосида қўшимча энергия тежаш имкониятларини аниқлаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланган ишлаб чиқариш корхоналарида электр энергия ва бошқа ресурсларнинг сарфини камайтириш усуллари ишлаб чиқиш ҳамда ресурсларни тежайдиган қурилмалар ва технологияларни яратиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш ва уларни амалда қўллаш бўйича кенг қўламли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида, жумладан, «...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сифимларини камайтириш, ишлаб чиқаришда энергия тежовчи технологияларни жорий этиш, қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланиш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда иссиқлик электр станциясининг хусусий эҳтиёж агрегатлари асинхрон электр юритмаларини

<sup>1</sup> <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/00207218808945305?journalCode=tetn20>

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони.

ишга тушириш тоқларини камайтириш, таъмирлашсиз хизмат муддатларини ошириш мақсадида равон ишга туширишнинг янги усулларини ишлаб чиқиш ва уларни тадқиқ қилиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3238-сон «Замонавий энергия самарадор ва энергия тежайдиган технологияларни янада жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 8 ноябрдаги ПҚ-3379-сон «Энергия ресурсларидан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 22 августдаги ПҚ-4422-сон «Иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳанинг энергия самарадорлигини ошириш, энергия тежовчи технологияларни жорий этиш ва қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларини амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республикада фан ва технологияларни ривожлантириш устивор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Энергетика, энергия ва ресурс-тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Жаҳоннинг етакчи илмий марказларида ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Technische Universität Dresden, RWTH Aachen University, (Германия), Cambridge University (Буюк Британия), Москва миллий тадқиқот университети, Санкт-Петербург политехника университети (Россия Федерацияси), Украина Миллий техника университети (Украина), Тошкент давлат техника университети, «Илмий-техника маркази» МЧЖда (Ўзбекистон) асинхрон моторларни ишга тушириш ва частотавий ростлаш, технологик жараёнларни микропроцессор орқали бошқариш алгоритм ва схемаларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилиш бўйича долзарб масалаларни ечишга қаратилган кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Асинхрон моторларнинг бошланғич режимлари хоссаларини ўрганишга ва ўзгарувчан ток моторларини математик моделларини ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишдаги илмий муаммоларни ҳал қилишда бир қатор таниқли хорижий олимлар, жумладан Костенко М.П., Копылов И.П., Токарев Б.Ф., Соколов М.М., Сипайлов Г.А., Кононенко Е.В., Хамудханов М.З. и другие. Свой существенный вклад в создание и усовершенствование асинхронных электроприводов с тиристорным регулятором напряжения внесли многие ученые: Браславский И.Я., Нестеров К.Е., Зюзев А.М., Андрющенко О.А., Бойко А.А., Островлянчик Ю.В., Сарваров А.С., Петрушин В.С., Глазырин А.С., Cadirci M. Ermis M. Rahman (Турция), Saqib M.A. (Пакистан), Коваль А.С., Скарыно Б.Б. ва бошқалар ўз ҳиссасини қўшишган.

Республикамыз саноат корхоналарида кичик ва ўрта қувватли ўзгарувчан ток моторларини «тиристорли кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор»,

«тиристорли частота ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимини яратиш бўйича қуйидаги олимлар Хамудханов М.З., Базаров Н.Х., Каримов Х.Г., Камалов Т.С., Хашимов А.А., Алимходжаев К.Т., Арипов Н.М., Ишназаров О.Х., Тоиров О.З. ва бошқалар томонидан илмий изланишлар олиб борилган ва кўплаб ижобий натижаларга эришилган.

Сезиларли муваффақиятларга қарамасдан, юқори кучланишли «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимини микропроцессор асосида бошқариш усули етарли даражада ўрганилмаган. Мазкур диссертация ишида микропроцессорли бошқарув ёрдамида катта қувватли асинхрон моторларни ишга тушириш режими учун тиристор кучланиш ўзгартиркич схемасини ишлаб чиқилган ҳамда агрегатларни равон ишга туширилиши ва унинг ечимлари таклиф этилган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети илмий тадқиқот ишлари режасининг ОТ-ЁАҲ-0301 рақамли «Ёш олимлар академик ҳаракатчанлиги» номли «Асинхрон электр юритмаларни бошқаришнинг замонавий усуллари тадқиқ этиш» (2017) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** микропроцессор бошқарувидан фойдаланган ҳолда иссиқлик электр станциясининг хусусий эҳтиёж агрегатларини асинхрон электр юритмасини «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимли ишга тушириш схемасини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

мавжуд ишга тушириш усуллариининг таҳлили ва юқори кучланишли катта қувватли асинхрон моторларни равон ишга туширилишининг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

микропроцессорли бошқарув ёрдамида юқори қувватли асинхрон моторларни ишга тушириш режими учун тиристор кучланиш ўзгартиркич схемасини ишлаб чиқиш;

равон ишга тушириш режимида тиристор кучланиш ўзгартиркич асосида асинхрон моторнинг математик моделини ишлаб чиқиш ва уни ечиш алгоритмининг тузиш;

амплитудаларнинг нозичиқли гармоникаларини ҳисоблаш алгоритмининг ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида иссиқлик электр станцияларининг хусусий эҳтиёж агрегатларини қисқа туташган роторли асинхрон моторлари ва тиристор кучланиш ўзгартиркич олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** иссиқлик электр станциялари хусусий эҳтиёж агрегатларининг юқори кучланишли ва катта қувватли асинхрон моторларини микропроцессор асосида тиристор кучланиш ўзгартиркичли бошқариш математик модели ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида электр машиналар назарияси, электр юритмалар, автоматлаштирилган электр юритмалар,

автоматик бошқаришлар назарияси, чизикли электр занжирлар, ярим ўтказгичли техника, математик таҳлил қилиш усуллари қўлланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тиристор кучланиш ўзгартиркичнинг параллел ва кетма-кет уланган тиристорлар гуруҳининг импульсларини микропроцессорли бошқариш асосида ишга тушириш усули такомиллаштирилган;

тиристор кучланиш ўзгарткичнинг ночизикли актив қаршилиқ асосида математик модели ишлаб чиқилган;

юқори кучланишли асинхрон моторни микропроцессорли тиристорли кучланиш ўзгарткичи асосида бошқариш усули такомиллаштирилган;

юклама ўзгаришини компенсациялаш асосида юқори кучланишли асинхрон моторни раван ишга тушириш схемаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

«тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор – насос ускунаси» тизимининг энергия тежамкор иш режими ишлаб чиқилган;

микропроцессорли бошқариладиган «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимининг математик модели яратилган;

«тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимининг имитацион модели ишлаб чиқилган;

микропроцессорли кичик қувватли «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимининг тажриба нусхаси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** электр машиналари ва ярим ўтказгичли техника қонунларига асосланган математик моделнинг қиёсий таҳлили, аналитик ифодалар билан тасдиқланган назарий ва экспериментал натижаларининг ўзаро мос келиши билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иссиқлик электр станциясининг хусусий эҳтиёж агрегатларини катта қувватли ва юқори кучланишли асинхрон моторларини микропроцессорли бошқариш ва тиристорли кучланиш ўзгартиркичи асосида раван ишга тушириш усули такомиллаштириш, микропроцессор қурилмаси ёрдамида ишга туширишнинг математик моделини ҳисоблаш алгоритмини ишлаб чиқиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти тиристорли кучланиш ўзгартиркичнинг кучланиши ва қувватини оширишга имкон берувчи, кетма-кет ва параллел уланган тиристор гуруҳларидан иборат тиристорли кучланиш ўзгарткичи ёрдамида юқори кучланишли катта қувватли асинхрон моторни раван ишга тушириш усули ишлаб чиқилиши ва уни микропроцессорли бошқариш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Юқори кучланишли катта қувватли асинхрон моторларни ишга тушириш учун «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизимини қўллаш ҳамда микропроцессор ёрдамида уларни бошқариш имкониятлари ҳақидаги ахборотлар таҳлили бўйича олинган илмий натижалар асосида:

қуввати 5000 кВт таъминот насосининг ишга тушириш учун микропроцессор бошқарувли «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон

мотор» тизими «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖДа жорий қилинган (Энергетика вазирлигининг 2020 йил 28 июлдаги 04-13-3946-сон маълумотномаси). Натижада, электр моторларнинг таъмирлашсиз хизмат муддатини 12 ойгача ошириш имконини берган;

қуввати 630 кВт сўрувчи вентиляторнинг ишга тушириш учун микропроцессор бошқарувли «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизими «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖДа жорий қилинган (Энергетика вазирлигининг 2020 йил 28 июлдаги 04-13-3946-сон маълумотномаси). Натижада вентиляторнинг электр моторини иш режими оптималлаштирилган ва электр моторнинг таъмирлашсиз хизмат муддатини 19 ойгача ошириш имконини берган;

юқори кучланишли хусусий эҳтиёж агрегатларини равон ишга тушириш учун микропроцессор бошқарувли «тиристор кучланиш ўзгартиркич-асинхрон мотор» тизими «Навоий иссиқлик электр станцияси» АЖДа жорий қилинган (Энергетика вазирлигининг 2020 йил 28 июлдаги 04-13-3946-сон маълумотномаси). Натижада бир йилда 139 млн. сўм иқтисодий самарадорликка эришиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика журналларда 5 та, хорижий журналларда 3 та мақолалар чоп этирилган, ЭҲМ дастурий маҳсулот учун 2 та дастурий гувоҳнома олинган.

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация кириш, тўрта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертация ҳажми 112 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида бажарилган тадқиқотларда амалга оширилган ишларнинг аҳамияти ва долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари келтирилган, объект ва предмет тавсифлари келтирилган, тадқиқотларнинг Республика фан ва технологиялар ривожланиш устувор йўналишларига мослиги, илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён этилган, тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамиятилари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг структураси келтирилган.

Диссертациянинг «**Иссиқлик электр станцияларида юқори кучланишли асинхрон моторларни ишга тушириш муаммосининг жорий ҳолати**» деб номланган биринчи бобида мавжуд ишга тушириш усуллари ва юқори кучланишли катта қувватли асинхрон моторларни равон ишга тушириш усуллари хусусиятларининг таҳлили келтирилган.

Умумий ҳолда, электр юритмаларнинг ишга тушириш режимини яхшилаш учун тиристорли ўзгартгич-ўзгармас ток мотори (ТЎ-ЎТМ) тизимидан, бевосита боғланган частота ўзгартгич-асинхрон мотор (БЧЎ-АсМ) ёки/ва ўзгармас токли звеноси бўлган частота ўзгартгич-асинхрон мотор (ЎТЗЧЎ-АсМ) тизимлар ёрдамида тезликни равон бошқаришдан фойдаланиш мумкин эди. ТЎ-ЎТМ тизими электр юритма оғир иқлим шароитлари, шунингдек, техник хизмат кўрсатиш талаблари юқорилиги туфайли кенг қўлланилмайди.

Бирок, юқори кучланишли катта қувватли АсМларни бевосита ишга тушириш жиддий муаммоларга олиб келади, бунда асинхрон моторлар статор чўлғамида номинал токдан 5÷8 марта катта бўлган ишга тушириш токи пайдо бўлиши ва моторнинг қисқа мудатда ишдан чиқиши кузатилади.

Турли қурилмаларда ишлатиладиган юқори кучланишли катта қувватли АсМни ишга тушириш режимларининг таҳлили шуни кўрсатдики, ишга тушириш усуллари бир қатор камчиликларга эга ва янада такомиллаштиришни талаб қилади.

Диссертациянинг «**Юқори кучланишли катта қувватли асинхрон моторларни равон ишга тушириш муаммоларини микропроцессорли бошқариш орқали ечиш**» деб номланган иккинчи бобда ТКЎнинг кучланиш ва қувватини ошириш мақсадида, ТКЎ даги ҳар бир тиристор ўрнига кетма-кет-параллел уланган тиристор гуруҳлари (ТГ)ни киритиш орқали, муаммоларни ечиш йўллари кўриб чиқилган. Бундай ТКЎнинг ишончли ишлаши ТГдаги барча тиристорларнинг бир онда очилиши орқали амалга оширилади. Ушбу бобда тиристорлар очилишининг динамик жараёнлари тадқиқоти натижалари келтирилган бўлиб, тиристорларни бошқариш сигналига қўйиладиган талаблар ва тиристор коммутациясининг динамик жараёнига АсМ параметрларининг таъсир этиш даражаси кўрилган, ҳамда микропроцессорли бошқариш зарурати асослаб берилган.

Тиристорларни ишлаб чиқариш жараёнида вольт-ампер тавсифларининг технологиядан оғишлари, уларнинг кетма-кет ва/ёки параллел улаб ишлатиш жараёнининг оғир кечишига олиб келади. Бу ҳолат баъзи параллел ва кетма-кет уланган тиристорларнинг ток ва кучланиш бўйича ортиқча юкланишига ва натижада тиристорларнинг муддатидан илгари ишдан чиқишига олиб келади.

Ушбу камчиликларни бартараф этиш учун диссертация ишида параллел ва кетма-кет уланган тиристорлар очилишининг динамик режимлари танқидий таҳлиллари олиб борилди, шу билан бирга, мазкур моторни ТКЎ-АсМ тизимида ишлатиш нуқтаи назаридан, АсМни ишга тушириш динамик режимлари тиристорларнинг очилиш динамик кўрсаткичларига таъсири ҳам эътиборга олинди.

Вентиллар статик ва динамик режимларида тўғри йўналишдаги токнинг тиристорлар орасида равон тақсимланишини таъминлаш учун икки усулдан фойдаланиш мумкин: тавсифлари бир ҳил бўлган бир турдаги тиристорларни танлаш; қўшимча электр қурилмалари ёрдамида токларни мажбурий

тақсимлаш. Биринчи усул техник адабиётларда батафсил ўрганилган. Шу сабабли иккинчи усулни батафсил кўриб чиқамиз.


Агар тескари йўналиш токи ва уярма ток ўтказувчан ҳолатидаги тўғри йўналиш кучланишининг қиймати,  $p-n$  ўтиш сиғимлари, алоҳида тиристорлар очилиш ва ёпилиш вақтлари ўзаро мос бўлмаса, тиристорлар самарали ишлаш шартлари бажарилмайди - ТГ тиристорларнинг бир онда очилиш шартлари бажарилмайди.

Агар занжирда ягона тиристор бўлса, унга бошқариш импульси келиб, тиристор очилгандан кейин бошқарув токи  $I_y$  (1,а-расм) тиристор ишлашига бошқа таъсир этмайди. Шу сабабли ягона тиристорни бошқариш учун амалиётда давомийлиги  $t_{u. ynp.} = 1 \div 3$  мкс.дан ошмайдиган бошқариш импульси ишлатилади.


Тиристорлар кетма-кет уланганда, тиристорлардан бирига бошқариш импульси бирор кечикиш, масалан  $t_2 - t_1 > t_{u. ynp}$  билан келса (1,а-расм), унда занжир ёпиқ ҳолатда бўлади, чунки тиристорлар орқали  $I_{np}$  ток тўғри йўналишда (токнинг доимийлиги ҳақидаги қонун бажарилмаганлиги сабабли) оқиб ўтмайди, тиристорларнинг эмитер соҳасидан электронларни дастлабки ҳолатидагидек инжекция қилиш жараёни бошланмайди. Шундай қилиб, ягона тиристорнинг ишлаш жараёнидан фарқли равишда, кетма-кет уланган ТГнинг ишончли ишлаши учун қуйидагича таърифланадиган асосий талаблардан бири келиб чиқади. Кетма-кет уланган тиристорлар гуруҳидаги барча тиристорларга бошқарувчи сигнал бир онда (кечикмасдан) келиши шарт. Агар катта қувватли қисқа туташган роторли АСМларни ишга тушириш учун икки ва ундан ортиқ параллел уланган ( $N$ )та тиристорли ТКЎдан (2-расм) фойдалансак, у ҳолда АСМнинг катта ишга тушириш токи  $I_{иш} = (5 \div 8) \cdot I_n$  барча тиристорлар орасида равон тақсимланади. Бундай ҳолда, ҳар бир тиристор мотор ишга тушириш токининг бир қисми билан юкланади ва ток шу тиристор тури учун рухсат этилган миқдоридан кам  $I = I_{иш} / N$  бўлади.

Юқори қувватли АСМ бевосита ишга тушириш жараёнида параллел уланган тиристорлари бўлган ТКЎ ТГларининг очилиш динамикаси қўйидагича бўлади. Агар  $t_1$  вақт онда биринчи тиристор Т1нинг бошқарув электродига бошқариш сигнали узатилса, унда вақтнинг  $t_1 + t_{вкл}$  оралиғида (1,с-расм) у очилади ва Т1 тиристор орқали АСМ нинг тўлиқ ишга тушириш токи оқиб ўтиш жараёни бошланади (2-расм). Шундай вазиятда бошқарув

қийматлари, тиристор



1-расм. Электромагнит



2-расм. Тиристорларнинг параллел уланиши

электродига сигнал кечикиб келадиган (яъни,  $t_{1+} t_{\text{ВКЛ}}$  вақт оралиғида) иккинчи тиристор  $T2$  очилмайди, чунки шу онда  $T1$  орқали оқаетган ток миқдори ортишга улгуради ва кириш «а», чиқиш «х» нуқталар (2-расм) орасидаги потенциаллар фарқи  $\Delta u_{\text{ах}}$  жуда кичик бўлади (1,б-расм).  $T2$  тиристор бошқариш электроди сигналининг кечикиб келишининг жоиз қийматини аниқлаш учун, фараз қиламиз: сигнал  $t_{1+}\Delta t$  вақт онда келсин.

Агар  $t_3 \leq \Delta t \leq t_{\text{ВКЛ}}$  бўлса (1,с-расм), у ҳолда «а» ва «х» нуқталар (2-расм) орасидаги потенциаллар фарқи  $\Delta u_{\text{ах}} \approx (10 \div 90)\% \cdot U_{\text{пр}}$  га тенг бўлади,  $T1$  орқали ўтаётган ток тўлиқ ишга тушириш токи  $I_{\text{иш}}$  нинг (1,с-расм) 10% дан 90% гача жадал ортиб боради ва  $T2$  тиристорнинг очилиш эҳтимоли жуда кичик бўлади. Агар  $0 \leq \Delta t \leq t_3$  бўлса, «а» ва «х» нуқталар орасидаги потенциаллар фарқи  $\Delta u_{\text{ах}} \approx (100 \div 90)\% \cdot U_{\text{пр}}$  (1,б-расм) бўлиб,  $T1$  орқали ўтувчи тўлиқ ишга тушириш токининг  $I_{\text{иш}}$  қиймати 0% дан 10% гача секин ортади ва иккинчи  $T2$  тиристорнинг очилиш эҳтимоли юқори бўлади (2-расм). Бироқ, бу билан тиристор  $T2$  коммутация қобилятининг бузилиш эҳтимоли истисно этилмайди. Шу сабабли, ТГдаги параллел уланган тиристорларнинг, кетма-кет уланган тиристорлардаги каби, коммутация бузилишисиз ишлашининг биринчи ва зарурий шарти ТГдаги барча тиристорларга бошқариш сигналларининг бир онда узатилишидир.

Ушбу шартларни бажармаслик қуйидаги оқибатларга олиб келади.

Тиристор етарли даражада қисқа давомийликка эга бўлган бошқариш импульси ёрдамида очилгандан сўнг токнинг ўзгаришида - «кечкиш» вақт оралиғи  $t_3$  (1,с-расм) ва токнинг «ўсиш» вақт оралиғини  $t_{\text{н}}$  ни ўз ичига олган токнинг аста ортиб бориш жараёни келиши лозим.

Бунда, зарур бўлган тиристор коммутациясини таъминлашнинг асосий шарти - ҳар бир кетма-кет уланган тиристор орқали ўтаётган токнинг узлуксизлигини таъминлашдир. Тиристорлардан бирортаси очилиши кечикса ёки очилмаса ток узлуксизлиги принципининг бузилишига олиб келади. Демак, барча кетма-кет уланган тиристорлар берк ҳолатда бўлади ва электр занжири очилмайди. ТГдаги тиристорларнинг бир вақтда очилишини таъминлаш учун, тиристорларни бошқариш сигналлари  $u_{\text{и}}$  давомийлиги бир ҳил ва «кечкиш» вақт оралиғи  $t_3$  ва токнинг «ўсиш» вақт оралиғи  $t_{\text{н}}$  йиғиндисидан иборат бўлган очилиш вақт давомийлиги ( $t_{\text{ВКЛ}}$ )дан катта бўлиши шарт  $t_{\text{и}} > t_{\text{ВКЛ}} = t_3 + t_{\text{н}}$ .

Шундай қилиб, тиристорлардан фойдаланишнинг умумий қабул қилинган тавсияларида, бошқариш импульси давомийлигининг минимал миқдори кифоя, деб таъкидлангандан фарқли равишда, «ТКЎ-АсМ» тизимининг ТГ учун бошқариш импульсининг давомийлиги мазкур тиристорлар учун белгиланган «кечкиш» вақт оралиғидан катта бўлиши шарт.

Агар «кечкиш» вақт оралиғи  $t_3$  фақат тиристор турига боғлиқ бўлса, тиристорнинг очилиш вақт давомийлиги  $t_{\text{ВКЛ}}$  таркибига кирувчи токнинг «ўсиш» вақт оралиғи  $t_{\text{н}}$  юкланишнинг характериға ҳам боғлиқ (қуйида кўрилади).

Агар  $t_1$  вақт онда  $T1$  тиристорнинг бошқариш электродига бошқариш сигнали узатилса, у ҳолда  $t_1+t_{\text{ВКЛ}}$  вақт онда  $T1$  тиристор очилади ва у орқали ток АсМнинг тўла ишга тушириш токи оқабошлайди. Бошқариш электродига тиристорни очувчи сигнал ( $t_1+t_{\text{ВКЛ}}$  вақт онда) кечикиб келувчи тиристор  $T2$  очилмайди, чунки шу онда  $T1$  тиристор орқали оқайган ток сабабли, кириш «а» ва чиқиш «х» нуқталар (2-расм) орасидаги потенциаллар фарқи  $\Delta u_{ax}$  нолга тенг бўлади. Конденсаторли компенсатори (КК) бўлган АсМга мос келувчи ТКЎ юкланиши актив характерга эга, яъни  $\cos\varphi = 1,0$  бўлганда, тиристор очилгандаги токнинг шакли кучланиш шаклига ўхшаш бўлади.

Бунда тиристорнинг очилиш вақт давомийлиги  $t_{\text{ВКЛ}}$  минимал бўлади - тиристор коммутацияси бузилиш режимига яқин. Юкланиш актив-индуктив характерда бўлса, тиристордаги ток  $\cos\varphi$ га боғлиқ равишда кечикиш характерига эга бўлади. Юкланишнинг индуктив ташкил этувчиси ортиши билан тиристор очилиш вақтидаги токнинг ортиш суръати камаяди ва тиристор коммутацияси бузилиш кечикш эҳтимоли ортади.

Агар токнинг кечикиш вақти  $t_3$  тиристор турига боғлиқ бўлса, унда тиристорларнинг очилиш вақти  $t_{\text{ВКЛ}}$  таркибига кирувчи токнинг ўсиш  $t_H$  вақти юкланишнинг турига ҳам боғлиқ (қуйида кўрилади).

Агар  $t_1$  вақтда биринчи тиристорнинг бошқарув электродига бошқариш сигнали берилса, унда вақтнинг  $t_1+t_{\text{ВКЛ}}$  оралиғида (1,с-расм) у очилади  $T1$  тиристор орқали АсМнинг тўлиқ ишга тушириш токи оқиб ўта бошлайди (2-расм). Иккинчи  $T2$  тиристорнинг бошқарув электродига сигнал кечикиб тушгани (вақт  $t_1+t_{\text{ВКЛ}}$  оралиғида) сабабли у очилмайди, натижада  $T1$  тиристордан ток оқиб ўтиши сабабли ушбу онда кириш «а» ва чиқиш «х» нуқталар орасида потенциаллар фарқи  $\Delta u_{ax}$  нолга тенг бўлади. Актив юклама тавсифида, яъни КК билан АсМ режимига  $\cos\varphi = 1,0$  мос келганда, тиристор очик ҳолатида токнинг шакли кучланишнинг шаклини такрорлайди. Бундай ҳолда, тиристорнинг очилиш вақти  $t_{\text{ВКЛ}}$  нинг қиймати минимал бўлади. Бундай режим коммутациянинг бузилишига яқин режим ҳисобланади. Актив-индуктив юклама тавсифида тиристордаги ток  $\cos\varphi$  га боғлиқ бўлиб, шакли кучланишнинг шаклидан кечиккан ҳолатда бўлади. ТПН юкламасининг индуктив характери ортиши билан унинг очиш вақтида тиристорнинг ток кучи ортиши жадаллиги камаяди ва тиристорларнинг коммутация бузилишисиз очилиш эҳтимоли ортади.

Ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, АсМнинг қисқа туташув қувват коэффиценти  $\cos\varphi = 0,45 \div 0,55$  бўлганда, параллел уланган ТГдан ташкил топган ТКЎнинг иши, тиристорларнинг бузилишларсиз коммутацияси нуқтаи назаридан, энг мақбул бўлади.

Агар АсМ қувват коэффиценти  $\cos\varphi$ нинг ўзгаришига сабаб бўлувчи омил мотор статор чулҳамига уланган КК эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда ТКЎ-АсМ тизими коммутацияси бузилишсиз ишлаш шартларидан яна бири, ККни ҳеч қачон ТКЎнинг чиқиш қисмига эмас, балки фақат ТКЎнинг кириш қисмига улаш зарур.

Тез-тез ишга тушириш режимига эга бўлган автоматлаштирилган электр юритмалар тизимига мўлжалланган ТКЎнинг ишончли ишлашини

таъминлаш учун статор токи, ротор тезлиги ва бошқа қийматлар бўйича тескари боғланиш элементларини киритиш зарур. Шу билан бирга, АсМни ТКЎ ёрдамида пасайтирилган кучланиш билан ишга туширишда ишга тушириш токининг камайиши (бу усулни ишлаб чиқишнинг асосий мақсади) билан бирга, айлантурувчи электромагнит моментнинг ҳам сезиларли камайишига сабаб бўлади. Бундан ташқари АсМни ишга тушириш жараёнида тиристорларнинг очилиш бурчагини  $\theta = 180^\circ \div 0$  ораликда бошқариб кучланишни раво ёзгартириш натижасида, статор чулғамидаги кучланиш шакли носинусоидал кўринишда бўлади, токнинг учинчи, бешинчи ва юқори гармоник ташкил этувчилари ротор ва статор орасида ҳосил қилувчи айлантурувчи ва тормозловчи электромагнит моментлар ҳосил бўлади. Шунинг учун АсМнинг ишга тушириш жараёнида микропроцессор қурилмасидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлади.

Кўпгина муаллифлар таъкидлашича, микропроцессорлардан фойдаланиш бўйича автоматик бошқариш тизимлари, микросхема, алгоритм, дастурларини ишлаб чиқиш интеллектуал мулк ҳисобланганлиги сабабли, илмий-техник адабиётларда бу мавзудаги маълумотларни нашр этиш камдан-кам истисно ҳисобланади. Бундай ҳолат мазкур тадқиқот натижаларини мавжуд ишлар билан таққослаш имкониятини бермайди.

Диссертациянинг «**Микропроцессорли бошқарилувчи АсМ-ТКЎни ишга туширишдаги математик модели**», номли учинчи бобида идеаллашган, деб фараз қилинган АсМ, ТКЎнинг нозизиқли актив қаршилиги эътиборга олган ва микропроцессор ёрдамида ишга тушириш режимини бошқаришнинг математик моделларини ишлаб чиқишга бағишланган.

ИЭСнинг узлуксиз технологик жараёни шароитида катта қувватли юқори кучланишли ускуналарида экспериментал синов ўтказиш юқори сарф-ҳаражатли, машаққатли ва баъзан имконсиз ҳисобланади. Шу сабабли, электр юритма айрим элементларининг АсМ ўткинчи жараёнларига таъсирини аниқлаш, шунингдек микропроцессор бошқарувидан фойдаланиш шартларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказиш учун ТКЎ-АсМ тизимининг математик моделини ишлаб чиқиш, унда ҳисоблаш экспериментларини ўтказиш, сўнгра тадқиқот натижаларини объектининг ТКЎ-АсМга тадбиқ этиш таклиф қилинди.

АсМнинг математик модели учун амалиётда тенгламалар тизимини содалаштириш мақсадида тенглама ва ўзгарувчилар сонини сезиларли даражада камайишига олиб келувчи умумлаштирилган электр машинанин сода моделларидан фойдаланиш қабул қилинган. У ҳолда моделнинг икки фазага статор ва ротор чулғамлари кучланишларининг тенгламалари ортогонал координаталарда қуйидагича ёзилади:

$$\left. \begin{aligned} u_{\alpha s} &= -d\Psi_{\alpha s}^v / dt + i_{\alpha s} r_s \\ u_{\beta s} &= -d\Psi_{\beta s}^v / dt + i_{\beta s} r_s \\ u_{\alpha r} &= -d\Psi_{\alpha r}^v / dt + i_{\alpha r} r_r \\ u_{\beta r} &= -d\Psi_{\beta r}^v / dt + i_{\beta r} r_r \end{aligned} \right\}, \quad (1)$$

ротор ҳаракатининг (электр юритма моментлари мувозанати) тенгламалари

$$d\omega_r / dt = [M_C(t) - M_{\Sigma M}(t) / J], \quad (2)$$

ва электромагнит momenti қўйдаги шаклда бўлади

$$M_{\Sigma M}(t) = pM(t)[i_{\beta s} i_{\alpha r} - i_{\alpha s} i_{\beta r}]. \quad (3)$$

Статор кучланиши юқори гармоник таркибий қисмларининг таъсирини ҳисобга олиш учун кучланиш тенгламалари тизими қўйдаги шаклда бўлади:

$$\left. \begin{aligned} u_{\alpha s}^v &= -d\Psi_{\alpha s}^v / dt + i_{\alpha s}^v r_s \\ u_{\beta s}^v &= -d\Psi_{\beta s}^v / dt + i_{\beta s}^v r_s^v \\ u_{\alpha r}^v &= -d\Psi_{\alpha r}^v / dt + i_{\alpha r}^v r_r^v \\ u_{\beta r}^v &= -d\Psi_{\beta r}^v / dt + i_{\beta r}^v r_r^v \end{aligned} \right\}. \quad (4)$$

Унда натижавий электромагнит момент қиймати тоқларнинг ҳар бир гармоник ташкил этувчилари ҳосил қилган моментлар йиғиндиси каби аниқланади

$$\left. \begin{aligned} M_{\Sigma M}^v(t) &= pM(t)[i_{\beta s}^v i_{\alpha r}^v - i_{\alpha s}^v i_{\beta r}^v] \\ M_{\Sigma M}(t) &= \sum M_{\Sigma M}^v(t) \end{aligned} \right\}. \quad (5)$$

Юқорида баён қилинган АсМ математик моделини тузишнинг умумий қабул қилинган тартибидан фарқли равишда, ушбу ишда, ишлаб чиқариш механизми қаршилик моментининг оний қийматлари, аввалдан эксперимент орқали олинган вентилятор тавсифи  $M_C(\omega)$  ёрдамида олинди.  $M_C(\omega)$  қаршилик моментининг экспериментал равишда ўлчанган қийматларининг сон қийматлари жадваллар ёки графиклар шаклида математик моделга киритилиши мумкин. Энг қулай  $M_C(\omega)$  нинг аналитик тақдимоти қўйдаги соддалаштирилган функция шаклида бўлади

$$M_C(\omega) = M_0 + (M_{CN} - M_0) \left( \frac{\omega}{\omega_N} \right)^q, \quad (6)$$

бунда -  $M_C(\omega)$  ротор тезлиги  $\omega$  бўлгандаги қаршилик momenti;  $M_0$ - механизмнинг юксиз ишлаш momenti;  $M_{CN}$  - айланиш тезлиги номинал  $\omega_N$  бўлгандаги қаршиликнинг номинал momenti;  $q$ - статик механик тавсифининг турини аниқлайдиган кўрсаткич (мазкур ишлаб чиқариш механизми учун экспериментал тарзда аниқланди  $q=1,65$ ).

Тиристорлар очилиш хусусиятларини шу таъриқа ўрганиш, тиристорлар гуруҳларидан иборат ТКЎнинг математик моделини яратиш имконини берди.

Келтирилган тавсифлар асосида қуйидаги хулосага келиш мумкин. Тиристорларнинг ишлаши ток шакли ва катталиги  $i_{AK}$ , тиристорнинг анод-катод чиқишидаги кучланиши  $u_{AK}$ , бошқариш токи  $i_y$  ва вақт онига  $t$ , шунингдек, тиристор ички ҳолатига боғлиқ  $S$  бўлган актив қаршилиги бўлган ночизикли тенгламалар билан тавсифланган экан:

$$R_{AK} = f[U_{AK}(t), i_{AK}(t), i_y(t), t, S] \quad (7)$$

Бошқарув токи бир онда нолга ёки тўғрилаш токига тенг  $I_{yc}$  бўлиши мумкин бўлган дискрет ўзгарувчи миқдордир:

$$R_{AK} = \begin{cases} R_{a-f} = R_{\text{енуш}}, & \text{агар } i_{AK} \leq 0 \text{ ёки } U_{AK} < 0, \\ R_{a-b} = R_{\text{енуш}}, & \text{агар } U_{AK} \geq 0 \text{ ва } S = 0, \\ R_{d-e} = R_{\text{очиш}}, & \text{агар } U_{AK} \geq 0 \text{ ва } S = 1, \end{cases} \quad (8)$$

бунда  $i_{AK}$  - тиристордаги ток,  $u_{AK}$  - тиристор анод-катод чиқишидаги кучланиши;  $I_{уд}$  - тиристорни очик ҳолатини ушлаб туриш токи;  $I_{вкл}$  - очилиш ҳолатига ўтиш токи;  $R_{закр}$  - тиристорнинг берк ҳолатидаги қаршилиги;  $R_{откр}$  - тиристорнинг очик ҳолатидаги қаршилиги;  $S$  - тиристорнинг ички ҳолати (0 - очик, 1 - ёпиқ) ва у қуйидагича ифодаланиши мумкин:

$$S_K = \begin{cases} 0, & \text{агар } U_k < 0 \text{ ёки } i_{AK} < I_{к.зар} \text{ бўлса} \\ 1, & \text{агар } U_{AK} \geq 0 \text{ ёки } i_{AK} = I_{к.зар} \text{ бўлса} \\ S_K \text{ колган барча холатларда} \end{cases} \quad (9)$$

$K$  кетма-кет уланган тиристорларнинг  $k$ -тиристори учун тенгламаларни қуйидагича ёзиш мумкин

$$S_K = \begin{cases} 0, & \text{агар } U_k < 0 \text{ ёки } i_{AK} < I_{к.зар} \text{ бўлса} \\ 1, & \text{агар } U_{AK} \geq 0 \text{ ёки } i_{AK} = I_{к.зар} \text{ бўлса} \\ S_K \text{ колган барча холатларда} \end{cases} \quad (10)$$

ва  $N$  параллел уланган тиристорларнинг  $N$ -тиристори учун тенгламаларни қуйидагича ёзиш мумкин

$$R_N = \begin{cases} R_{a-f} = R_{\text{енуш}}, & \text{агар } i_N \leq 0 \text{ ёки } U_N < 0, \\ R_{a-b} = R_{\text{енуш}}, & \text{агар } U_N \geq 0 \text{ ва } S_N = 0, \\ R_{d-e} = R_{\text{очиш}}, & \text{агар } U_N \geq 0 \text{ ва } i_N > I_{к.зар} \text{ } S_N = 1, \end{cases} \quad (11)$$

ТКЎнинг кетма-кет уланган  $K$  сонли тиристорлар гуруҳи учун ночизикли актив қаршилиқлар ва ҳолатларининг тенгламалари қуйидагича

$$R_K = R_1' + R_2' + \dots + R_K' = \sum_{k=1}^K R_K' , S' = S' k , \quad (12)$$

ва параллел уланган  $N$  тиристорлар ночизикли актив қаршиликлар ва ҳолатларининг тенгламалари қуйидагича ёзилади.

$$R_N = 1 / \left[ (1 / R_1) + (1 / R_2) + \dots + (1 / R_n) \right] = 1 / \sum_{n=1}^N 1 / R_n' , S = S_n . \quad (13)$$


А фаза кучланиши мусбат (индекси +) ва манфий (индекси -) ярим даврлари учун ТГнинг математик моделлари актив қаршиликлари учун қуйидаги ночизикли тенглама ёрдамида ёзилади:

$$R_{A.TPH(+)} = 1 / \sum_{n=1}^N 1 / \sum_{k=1}^K R_k' , R_{A.TPH(-)} = 1 / \sum_{n=1}^N 1 / \sum_{k=1}^K R_k' . \quad (14)$$

Унда ТКЎ А фазасидаги тиристорлар гуруҳининг математик модели (3-расм) ҳар бири кетма-кет уланган  $K$  тиристорлардан иборат карама-қарши-параллел уланган шаҳобчалардан тузилган ва уларнинг ҳар бири  $N$  параллел уланган гуруҳларидан иборат бўлган тиристорлар гуруҳидан ташкил топган ТКЎнинг қуйидаги ночизикли актив қаршиликлар ночизикли тенгламаси каби ёзилади:

